



# ISNONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 17 сентябр, сешанба №149 (1366)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ЁРҚИН ТААССУРОТЛАР ҲАДЯ ЭТГАН ТУРНИР

Мамлакатимиз пойтахти теннис кортларида ҳаяжонларга бой, мурасасиз бахслар билан кечган Ўзбекистон Республикаси «Президенти Кубоги» анъанавий халқаро теннис турнири 14 сентябр кuni нiҳоясига етди. Бир ҳафта давомида ҳамюртларимиз ва ҳатто дунёдаги миллионлаб теннис мухлислари юртимизда ўтказилган катта теннис байрамни кутатиб борди.

Мазкур мусобақа катта теннис Ўзбекистон аҳлига ва ўз навбатида, Ўзбекистон ҳам спортнинг ана шу нафис ва жозибador турига тобора манзур бўлиб бораётганини яна бир бор исботлади. Ўтган йиллар мобайнида пойтахтимиз, ҳақи равишда, жондаги теннис муттасил ривожланаётган, спортчилар ва мухлисларнинг диққатини тортадиган нуфузли халқаро мусобақалар марказларидан бирига айланди. Бу йил Тошкентда тўққизинчи бор ташкил қилинган «Президент Кубоги» беллашувлари бунинг яққол далилидир.

Кетма-кет уч йил ATP таснифидаги му-



собақаларнинг энг яхшиси деб топилган «Президент Кубоги» халқаро турнирининг бу галги финал учрашувидан россиялик Евгений Кафельников ва беларуслик Владимир Волчков кортга чиқди. Кескин курашлар остида ўтган бу беллашувда ҳар иккала теннисчи ҳам ўз маҳоратини намойиш этиб, мухлислар

олқишига сазовор бўлди. Мусобақа бошиданок голибликка асосий даъвогарлардан бири ҳисобланган Евгений Кафельников ва беларуслик Владимир Волчков кортга чиқди. Кескин курашлар остида ўтган бу беллашувда ҳар иккала теннисчи ҳам ўз маҳоратини намойиш этиб, мухлислар

жаҳонда теннисчилари тожини кийишга муяссар бўлган Карлос Мойя, Евгений Кафельников ва Марат Сафиннинг «Президент Кубо-

ги»да бир неча йилдан бери иштирок этиши тунирнинг нуфузини белгиловчи яна бир омилдир. Шу ўринда Марат Сафин айнан Тошкентдаги галабасидан кейин Сиднейда ўтказилган Олимпиада ўйинларида дунёнинг биринчи рақамли теннисчиси сифатида йўл олганини ҳам айтиб ўтмоқ керак.

...Майдонга халқаро турнир қатнашчилари бўлган мамлакатларнинг давлат байроқлари олиб кирилади. Мусобақанинг тантанали ёпилиш маросими бошланади.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилади.

Ҳафта давомида биз мурасасиз, айна пайтада жўшқин ва қизиқарли спорт бахсларининг гувоҳи бўлдик, деди давлатимиз раҳбари. - Бу йил бир қанча таниқли теннис усталари иштирок этган турниримиз катта тен-

нис қандай улкан қадамлар билан олға бораётганини яна бир бор намойиш этди.

Жаҳон майдонига янги мамлакатлар, машҳур теннис усталарига рўбарў келишдан ҳайиқмайдиган, галабага иштиёқи юксак ёшлар кинриб келаётганини кўрсатди. Аминманки, мазкур турнир ёдимизда ёрқин таассуротлар қолдиради, мамлакатимизда теннис ривожини янада юқори поғонага кўтариш баробарида спортнинг бу гўзал тури бутун дунёда янада ривож топишига кучли туртки беради.

Турнирни тайёрлаган ва юксак савияда ўтказган барча ташкилотчиларга, Сассон Какшури жамоасига, супервайзер Томас Карлберг бошчилигидаги ҳакамлар гуруҳига, турнир тўлиқ ёритиб бергани, тенниснинг миллионлаб мухлисларига қувонч бағишлагани учун омавий ахборот воситалари ходимларига мин-

натдорлик билдираман.

Шу билан бирга, турнир давомида фаол иштирок этган ва қўллаб-қувватлаган барча теннис мухлисларига очиқ кўнгиллиги ва меҳмондўстлиги учун ташаккур айтмоқчиман.

Азиз дўстлар, деди Юртбошимиз пировардида, бугун мана шу ажойиб кошонада, икки соатдан ошиқ вақт давомида ҳаммамиз қизиқарли бахсининг гувоҳи бўлдик.

Шундан сўнг Президент Ислом Каримов халқаро турнир голиби Евгений Кафельниковга мусобақа кубогини, Владимир Волчковга эса махсус соҳрини топширди.

Миллий анъанамизга кўра, финал иштирокчиларига тўн ва дўпни кийдирилди.

Агар мана шу соҳрин «Президент Кубоги» бўлмаганида, уни Ислом Каримовдек ажойиб Президент менга топширмаганида эди, деди Евгений Кафельников, - Владимирга бажонидил берган бўлардим. Аммо бу кун меннинг ҳаётимда бир умр эсда қолади. «Президент Кубоги»ни қўлга киритиш учун бор куч ва маҳоратимни аямасдим. Бу мусобақа юрагимга шунчалик яқинки, уни ҳеч нарсага, ҳатто «Катта дубулга» туркумидаги соҳринларнинг биронтасига ҳам алмашмайман.

Шундай қилиб, нуфузи тобора ошиб бораётган «Президент Кубоги» турнири нiҳоясига етди. Узоқ-яқиндан келган спортчилар ва катта теннис мухлислари бир-бирлари билан ана шу шукўхли мусобақада келгуси йил учрашгунча хайрлашдилар.

Озод РАЖАБОВ,  
ЎзА муҳбири.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахсларни Куролли Кучлар сафларидан захирага бўшатиш ҳамда фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ва «Муқобил хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ **Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:**

1. Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахслар Ўзбекистон Республикасининг Куролли Кучлари сафларидан захирага бўшатилин.

2. 1975-1984 йилларда туғилган, чақириқ муддатини узайтириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 2002 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақирилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан биргаликда Куролли Кучларни чақирилувчилар билан сифатли бутлаш мақсадида жойлардаги чақириш комиссияларининг ҳар томонлама таъминлашини ва самарали ишлашини ташкил этсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Ф.Ф.Назиров) Мудофаа вазирлиги (Қ.Ф.Фулломов) билан биргаликда чақириш участкаларини зарур тиббиёт асбоб-анжомлари ва буюмлари билан таъминласин, чақирилувчиларнинг лаборатория текширувлари сифатли ўтказилишини ҳамда уларнинг турли ихтисосликдаги юқори малакали врачлар томонидан ҳар томонлама тиббий текшириб кўрилишини ташкил этсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг  
Қарори**  
Тошкент шаҳри,  
2002 йил 13 сентябр

И.КАРИМОВ

### Хабарлар оқимидан

#### ГЕРОНТОЛОГИЯ МАРКАЗИ

Бухоро вилоят марказий касалхонаси қошида «Ибн Сино геронтология маркази» очилди. У Ибн Сино халқаро жамғармаси ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамкорлигида бунёд этилди. Қарияларни кадрлаш йили давлат дастурига мувофиқ ташкил этилган ушбу марказ 20 ўринга мўлжалланган бўлиб, бу ерда асосан кексалар даволанади. Геронтология, содда қилиб айтганда, тез қаришнинг олдини олиш, кексаларда учрайдиган касалликларни даволашга оид соҳа ҳисобланади.

Бухоро геронтология маркази беморларни марказлашган ҳолда даволаш имконини беради. Шунингдек, марказ шифокорлари халқаро Ибн Сино жамғармаси ҳисобидан касбий билим ва маҳоратларини ошириб боради. Жамғарма марказга бепул дори-дармонлар ажратишни ҳам кўзда тутган.

#### ДЕҲҚОН МАМНУН БЎЛДИ

«Тошкент трактор заводи» давлат акционерлик жамиятида Хитой Халқ Республикасининг Эксимбанк томонидан ажратилган 24 миллион АҚШ доллари миқдоридаги имтиёзли кредит ҳисобига 650 донна мини-трактор тайёрланди.

Акционерлик жамиятидан маълум қилишларича, бугунги кунда ушбу мини-тракторларнинг бир неча бутловчи қисмлари мамлакатимизда ишлаб чиқарилмоқда. Келгусида бу кўрсаткични янада ошириш кўзда тутилган.

Мини-тракторларни харид қиладиган деҳқон-фермерлар техник хизмат борасида ташвишланмаса ҳам бўлади. Тракторларга техник хизмат кўрсатиш ва эксплуатацияси мониторингини хитойлик ҳамкорлар билан биргаликда амалга оширилади.

#### АЛОҚАЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Республика «Мол-ҳомашё биржаси» ҳиссдорлик жамияти Бухоро вилоят филиалига келаётган хорижий тадбиркорлар сони тобора кўпаймоқда.

Бу ерга дастлаб Бухоро вилоятининг имкониётлари билан Интернет орқали танишган Украина, Россия ҳамда Қозоғистон ишибилармонлари ички бозорни чуқур ўрганиш, шериклар доирасини кенгайтириш мақсадида келди. Уларда биржа кўрғазмасига қўйилган маҳсулот намуналари - тикувчилик буюмлари, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларига эҳтиёж катта экан. Шу боис, икки томонлама тузилган шартномалар сони кўпайди. Август ойида биржа филиали орқали қарийб 3 миллиард сўмлик олди-сотди ишлари амалга оширилди.



Ўзбекистон касабa уюшмалари фаолияти билан яқиндан танишиш ҳамда ўзарo ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш мақсадида Америка касабa уюшмалари марказининг Москвадаги вакили Ирена Стивенсон, халқарo Металлургия ходимлари Федерациясининг (IMF) МДХ мамлакатларидаги ҳудудий вакили Светлана Шекерджиёва, Кимё ва тоғ-кон саноати ходимлари касабa уюшмалари Халқаро Федерациясининг (ICEM) Шарқий Европадаги вакили Андрей Мрост УэКУФКга ташриф буюрдилар. Меҳмонлар мамлакатимиздаги нуфузли жамоат ташкилотининг иш тажрибаси билан яқиндан танишар эканлар, меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоялаш борасидаги саъй-ҳаракатларга ижобий баҳо бердилар. Шунингдек, ижтимоий шерикчилик тамойилини янада ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар, жамоа шартномалари орқали ишчи-хизматчиларни ҳар томонлама муҳофаза этиш мақсадида яратилаётган қудай

#### КАСАБА УЮШМАЛАРИГА

## АМЕРИКАЛИКЛАР ТАШРИФИ

лиқ, имтиёзларнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Халқаро касабa уюшма ташкилотлари вакиллари жаҳон касабa уюшмалари фаолиятида рўй бераётган янгиликлар, бой тажрибалар билан янада чуқурроқ таништирувчи, ҳар томонлама тажриба алмашиш учун имконият яратувчи ўқув дастурларини ривожлантириш таклифини илгари сурдилар. Америкалик меҳмонлар ташриф давомида Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси Давлат ҳиссдорлик жамияти, Тошкент Трактор заводи ҳиссдорлик жамияти, «Советпласттал» кўшма корхонаси, Олмалик тоғ-металлургия комбинатида бўлиб, касабa уюшма кўмиталари бозор шароитида

қандай фаолият юритаётганлиги, ишчи-хизматчиларга яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар.

Биз меҳмонлардан юртимиз ҳамда касабa уюшмалари ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашишни илтимос қилдик.

**Ирена СТИВЕНСОН — Америка касабa уюшмалари марказининг Москвадаги вакили:**

— Сўнги ўн йил ичида кўпгина МДХ давлатларида бўлдим. Лекин Ўзбекистон, унинг пойтахти гўзал Тошкент менда унутилмас таассурот қолдирди, шартингиз мафтун бўлдим. Этиборлиси шуки, айрим мамлакатлардаги оғир саноат корхоналари ишламай тўхтаб қолган бир пайтада сизнинг мамлакатингиздаги ана шундай корхоналарда

жараён бир маромда давом этмоқда. Узим гувоҳи бўлганим — Тошкент Трактор заводидаги иш жараёни, цехлардаги озодлик, ишловчилар учун яратилган қудай шарт-шароитлар, ижтимоий-иқтисодий ҳимоя борасида амалга оширилаётган ишлар қозғоғда эмас, амалда эканлиги кишини қувонтиради. Корхоналарда тиббиёт масканлари, спорт заллари мавжудлиги жуда ажойиб.

Бозор иқтисодиётининг ўзига хос мураккабликлари, муаммолари бор. Яхши биламан, оқил ва одил Президентингиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ажойиб ишлар, изчил давом эттирилаётган ислохотлар, қатъий ишонч ҳосил қилишимча, одамлардаги ғайрат-шижоат барча

қийинчиликларни енгиб ўтиш, муаммоларни ҳал этиш имконини бермоқда. Ўзбекистонлик меҳнаткашлар касабa уюшмаларини ўзларининг устувор ҳимоячиси, деб билишлари ҳар бир корхонадаги учрашувларда яққол сезилди. Биз ўзарo ҳамкорликни янада ривожлантириш учун қўлимиздан келган ҳамма ишни қиламиз.

**Светла ШЕКЕРДЖИЁВА — Халқаро металлургия ходимлари Федерациясининг (IMF) МДХ давлатларидаги ҳудудий вакили:**

— Тошкентда илк бор 1983 йилда бўлганим. Ўшандаги Тошкент билан ҳозирги ўртасида осмон билан ерча фарқ бор. Пойтахтининг гўзал қиёфасини сўз билан таърифлашга ожизман.

Бир-бирдан кўркам бинолар, ажойиб йўللар, кўприклар киши қалбини жумбушга келтиради. Эндликда Тошкент жаҳон шаҳарлари ичида ўзига хос ўрин тутмоқда.

Корхоналарда бўлганимда, меҳнат муҳофазаси, ишловчиларга қудай шароит яратиш, имтиёзлар бериш, меҳнатни рағбатлантириш ва моддий манфаатдорликни таъминлаш борасидаги ишлар бизга маъқул бўлди.

МДХ давлатларидаги кўпгина корхоналар фаолияти ҳақида аниқ тасаввурга эгаман. Бирок, сиздаги металлургия корхоналари ҳозирги бозор шароитида ҳам бирдек ишлаётганлиги таъсирчан лойиқ. УэКУФКнинг ижтимоий шерикчилик тамойилини янада ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлари ҳали катта наф келтиради, деб ўйлайман.

М.ЎРМОНБЕКОВА,  
ЎЗКУФК матбуот котиби.

# КАСАБА УЮШМАЛАРИ БОЗОР ШАРОИТИДА

### Ўзбекистон - Олмония ҳамкорлиги

## «АРИОН-ХАФИЗ» МАДАДКОР БЎЛГАЧ

Бундан уч йил илгари тўқайзорга айланган гўшада ҳаёт қайнайди, дея бировни ишонтиргиш кийин эди. Иқтисодий парокандаликка учраган товуқчилик фермаси ҳувиллаб одамлар ишсиз қолганди. Бу ерга Хасан Ҳожиматов раҳбар этиб тайинланди. Гапнинг рости фермага бировни ишга таклиф қилиш ўринсиз эди. Ўзи йўқ, бесамар ишга ким ҳам умид боғларди. Фақатгина хориж сармоясини жалб этиш ижобий самара берарди. «Узпарандасаноат» акциядорлик компанияси мадади билан Олмониянинг «Арион-Хафиз» фирмаси ҳамкорликда ишлашга ҳайрихоҳлик билдирди. Фирма раҳбари Ҳожи Мухаммад Зариф товуқчилик фабрикасини қайта таъмирлаб ишга туширишга бош-қош бўлди. Ўтган йил охирида фабрика маҳсулот бера бошлади. Дастлабки икки ойда 46 миллион сўмлик тухум ва парҳез товуқ гўшти ишлаб чиқарилиб, соф фойда 2 миллион 480 минг сўмни ташкил этди.

— Юз нафарга яқин фуқарони иш билан таъминладик, - дейди Ш.Рашидов туманидаги Ҳобур номи паррандачилик фабрикаси раҳбари Хасан Ҳожиматов. — Биз биринчи галда паррандабоқарларга шароит яратиб бериш пайида бўлдик. Барча ходимлар иш кийимари билан таъминланди. Ошхонамизда ишчилар учун бекуп тушлик ташкил этганимиз.

Бундан уч ой муқаддам паррандабоқарларнинг ўртача ойлик маош 13 минг сўмдан ошмасди. Айни чоғда уларга тўланаётган иш ҳақи икки баробарга оширилди. Бу эса сифатли ва кўп маҳсулот етиштириш имконини берди. Ўтган олти ойда 4 миллион дона тухум, 30 тонна парранда гўшти сотувга чиқарилди. Бу кўрсаткич йил охиригача 3 миллион донга етказилиши режалаштирилмоқда.

Соф фойданинг маълум қисми қишлоқ инфратузилмасини яхшилашга ажратилган. Фабрика ҳисобидан 6 километрик масофага қувурлар ётказилиб, тоза ичимлик суви келтирилди. Қишлоқ врачлик пункти, мактаб, «Баҳор» болалар боғчаси жорий таъмирдан чиқарилди. Кўп фарзандли, кам таъминланган оилалар, қаровчисини йўқотганлар ва ногиронларга мунтазам ёрдам кўрсатилиши режалаштирилди.

Парранда парвартишлар, ундан маҳсулот олиш осон эмас, - дейди товуқбоқар Клара Маматова. — Мураккаб бўлса-да ўз ишимиздан қониқиб ҳосил қиламиз. Фабрикага келиб кетиш учун автобус ажратилган. Иш ҳақи тўлашда узлишларга йўл қўйилмаёттир. Ҳар бир цехда дам олиш масканлари мавжуд. Бу ердаги шароитдан кўнглимиз тўқ. Мехнатга яраша рағбат бор.

Паррандабоқарларнинг режалари катта. Улар йилни 50 миллион сўм фойда билан якунлашни дилга туғишган. Жамоани янги ютуқлар сари қорлаётган омилардан яна бири олинаётган фойда беш йилгача паррандачиликни ривожлантиришга сарфлангани кўзда тутилганида бўлмоқда. Қисқа фурсатларда қад ростлаган фабриканинг истиқболи порлоқ. Бу ердаги ишлар шундан далолат бериб турибди.

**Н.ШАМСИЕВ,**  
«Ишонч» мухбири.



«Оқсарой тўқимачи» ЛТД қўшма корхонаси Япония ва Туркия билан ҳамкорликда фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда йилига 1551 тонна ип-калага ишлаб чиқарилиб, хорижга экспорт қилинмоқда. Корхонада 680 нафар ишчи меҳнат қилади. Иш унуми юқори бўлиши учун меҳнаткашларга барча шарт-шароитлар яратилган.

**Суратларда: илгор ишчилар Ўғилгой Маждова ва Дилноза Раупова; Косонсой туманидаги «Кварц» акциядорлик жамиятининг умумий кўриниши; операторлар Жўра Абдуллаев, Ислам Мадаминов.**

**Ш.СУЛТОНОВ** ва **Ш.ОЛИМОВ** олган суратлар.



**Кизилтепа туманидаги Темур Малик номи хиссадорлик жамиятида меҳнаткашлар манфаатдорлиги тинмай яхшиланиб бормоқда. Ҳар бир ишчининг ўртача иш ҳақи ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 9-10 минг сўмга ортиб, бугунги кунда 35-40 минг сўмни ташкил этапти. Корхона ҳодимларини ижтимоий химоялаш тубдан яхшиланди. Ишчиларга уч маҳал иссиқ овқат ташкил этилмоқда, зарарли ишда ишловчилар эса бекуп суткалик билан таъминланишга эришди, транспорт катнон корхона ҳисобидан амалга оширилмоқда.**

Яқинда жамоа аъзолари йилнинг ўтган даври мобайнида бир шодийнинг шохиди бўлишди. Бу ерда кам таъминланган оилаларнинг 14 нафар фарзандларининг суннат тўйлари ўтказилди. Ҳар бир болага бош-оёқ сарпо кийгизилиб, уларнинг бандага ҳисоб рақамларига 10 минг сўмдан пул қўйилди. Шунинг билан таъминланган оилаларнинг 14 нафар фарзандларининг суннат тўйлари ўтказилди. Ҳар бир болага бош-оёқ сарпо кийгизилиб, уларнинг бандага ҳисоб рақамларига 10 минг сўмдан пул қўйилди. Шунинг билан таъминланган оилаларнинг 14 нафар фарзандларининг суннат тўйлари ўтказилди.

**Э.ОДИЛОВ**

### Ижтимоий ҳимоя

## 247 КИШИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИЛДИ

Улуғнор тумани ҳокимлиги меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими билан ҳамкорликда янги иш ўринлари яратиш масаласига алоҳида эътибор бериб келмоқда. Туман меҳнат бўлимига шу йилнинг биринчи яримида мурожаат этган 348 нафар фуқаронинг 247 нафари ишга жойлаштирилди. Уларнинг 35 нафари миллий хунармандчиликнинг сирларини пухта ўргандилар, 12 нафар йигит-қиз эса ўқув ишлаб чиқариш марказида ЭХМ оператори, ҳисобчи касби бўйича ўқитилди.

Аҳолини иш билан таъминлаш корхона, ҳўжалик, ташкилот ва муассасаларда бўшаб қолган ўринларни тўлдириш, янги оилани очиб, кичик хусусий корхоналарни ишга тушириш, фермер ҳўжаликларини қўлайтириш ҳисобига амалга оширилди. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларининг ташкил этилиши ҳам мақсадга эришишда муҳим рол ўйнади. Халқ ҳўжалиги тармоқларидан турли сабаблар-

га кўра бўшатилган, ишсиз сифатида меҳнат бўлимадан ўтган фуқаролар энг замонавий касбларга ўқитилди. Шунингдек, аънавий «Уста-шогирд» йўналиши бўйича 25 киши хунар ўрганди. Қадрлар кўнимсизлигига барҳам бериш, ички имкониятлардан умумий фойдаланиш, муҳим ишда ҳамжихатликни таъминлаш борасида ўтказилаётган семинарлар ҳам алоҳида ўрин тутмоқда. Бунинг шарофати билан қатор қайта ишлаш цехлари маҳсулот бера бошлади.

Касаба уюшма саъй-ҳаракати, мутасаддиларнинг қўллаб-қувватлаши натижасида Улуғнор тумани корхоналарида хотин-қизларни эъзозлаш, уларнинг умумий ишлаш, кўнгилли дам олишлари учун шарт-шароитлар яратиш борасида аниқ тадбирлар амалга оширилди. Ишловчи аёллар ижтимоий ҳимояси тобора яхшиланиб бормоқда.

**Э.ОДИЛОВ**

## КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАРГА

Денов туманидаги Ш.Қобилов номи ширкат ҳўжалигида кейинги пайтларда меҳнаткашларни иқтисодий-ижтимоий ҳимоялаш ҳамда уларнинг маънавий тарбиясига катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ҳамда Вазиirlар Маъкамасининг қарорлари асосида аниқ тадбирлар амалга оширилди. Мазкур ҳўжалик аъзолари бу йил 728 гектар майдонда пахта, 505 гектар майдонда галла етиштиришни режалаштиришганди. Жорий йилда мазкур ҳўжаликда пилла ва галладан юқори ҳосил олинди. Шу босдан ҳам меҳнаткашлар ижтимоий ҳимояси талаб даражасида бўлмоқда.

Ҳўжаликнинг 875 нафар аъзоси бўлиб, 616 ёрдамчи ишчилар меҳнат қилишмоқда. Меҳнаткашларнинг моддий ва манфаатдорлик тўғрисидаги ошган сари, белгиланган режалар доимо ошириб бажарилаётти. Шу тўғрисида қишлоқ кўчалари обод ва гўзал бўлиб бормоқда. Биргина Хайдардара қишлоғидан ташқари, ҳўжаликнинг барча аҳолиси табийий газ ҳамда ичимлик

## Фидойилар

Биржаси йўлланмаси билан 53 нафар киши иш билан таъминланди. Зотан, ўтган йилнинг июл ойида давлатдан 13,5 миллион, иш ҳақидан эса 3 миллион сўм қарздор бўлган, ишловчилар сони бор-йўғи 40 кишидан иборат бўлган корхонанинг қисқа вақт ичида оёққа туриб, виллоятда етакчи турилиш корхоналари сафига қўшилиши ва ишловчилар сонининг 132 кишига ортаган мустақиллик берган имконият самараси эмасми?!

Юлғош САРИЕВ, «Ишонч» мухбири.

Кенгашининг аъзолари Ироқдаги оммавий қирғин қуролларини йўқ қилиш масаласида расмий Бағ-ширишлар олиб боришни амалга оширадиган БМТнинг махсус комиссияси (ЮНСКОМ) ташкил этилган эди. Дастлаб (1991-1998 йилларда) ЮНСКОМ ва Халқаро атом энергияси агентлиги (МАГАТЭ) Ироқнинг ядро қуроли дастури, кимёвий қуролларнинг йирик захиралари ва биологик уруш дастурлари, шунингдек, ўнлаб баллистик ракета-ларга қадар таққиланган қуроллар сирасига қириувчи қўллаб дастур ва қуд-

КониMex туманидаги «Шўрқў» ширкат ҳўжалигида кичик ва ўрта бизнес субъектлари барпо этилиши ҳўжалик рентабеллигининг ошишининг муҳим омилли ҳамда аҳолини иш билан таъминлашнинг зарур шартли сифатида қаралмоқда.

## БИР ЙЎЛА ИККИ КИЧИК КОРХОНА

Йўла иккита кичик корхона фаолият кўрсата бошлади. Кунга-боқар ёғи ишлаб чиқарадиган «Муқаддас замин» кичик корхонаси банкдан олинган 7 миллион сўмлик имтиёзли кредит ҳисобига асбоб-ускуналар харид қилди. 15 нафар кишини ўз бағрига олган корхонада қисқа фурсат ичида 1 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Авалгига корхонада йил давомида мунтазам фаолият кўрсатиш учун маҳсулот етишмаслиги муаммиси туғилган эди. Ҳўжалик маълумоти бўйича йўлни топди. Аҳоли билан шартнома тузиш билан бир қаторда 17 гектар галладан бўшаган майдонга қўнғоқар экилди. Ҳозир қўёшга буй қўзиб турган тўқилишга асбоб-ускуналар харид қилди. 15 нафар кишини ўз бағрига олган корхонада қисқа фурсат ичида 1 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Авалгига корхонада йил давомида мунтазам фаолият кўрсатиш учун маҳсулот етишмаслиги муаммиси туғилган эди. Ҳўжалик маълумоти бўйича йўлни топди. Аҳоли билан шартнома тузиш билан бир қаторда 17 гектар галладан бўшаган майдонга қўнғоқар экилди. Ҳозир қўёшга буй қўзиб турган тўқилишга асбоб-ускуналар харид қилди. 15 нафар кишини ўз бағрига олган корхонада қисқа фурсат ичида 1 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

**С.ЯЛҒАШЕВ**

## БИР ТАДБИР ЁРДАМИ

Гулистонда бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Виллоят маркази ва Мирзаобод туманининг 80 га яқин корхона ва муассасаси 400 дан ортиқ бўш иш ўрни ва лавозимларни таклиф этди. — Иил бошидан буён Мирзаўчўлнинг барча шаҳар ва туманларида бундай тадбирлар бўлиб ўтди, - деди Сирдарё виллоятли меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари К.Ҳасанов. - Виллоят марказида меҳнат ярмаркаси учинчи бор ўтказилмоқда. Ҳар сафар катнашчилар сони ва тадбир самараси ортмоқда. Шундай ярмаркалар туфайли шаҳар ва туманлардаги юзлаб одамлар янги иш ўрнига эга бўлди.

Жаҳон матбуоти Яқин Шарқдаги вазиятни таҳлил этганида Форс кўрфазининг минтақасидаги ҳарбий-сийсий ва иқтисодий ҳолатга чуқурроқ ёндашмоқда. Бунинг асосий сабаби Форс кўрфазининг давлатларининг (Саудия Арабистони, Оммон, Эрон, Баҳрайн, Қатар, Бирлашган Араб Амириклари ва бошқалар) Яқин Шарқ муаммосида катта таъсир этувчи имкониятларга эга бўлишидир. Бугунги куннинг мураккаблиги бирдан пайдо бўлган эмас. Ўтган асрнинг 70-йилларида келиб Ироқ араб дунёсидаги энг ҳарбийлашган давлатлардан бирига айланди. Унинг қучли ҳарбий машинага эга бўлишида собоқ иттифокнинг «мадади» ва айни пайтда жа-

## БОЗОР ШАРОИТИДА

қудирилмоқда. Бугун Хавфсизлик Кенгашининг 1991 йил 3 апрелдаги 687-резолуцияси тез-тез эланмоқда. Ҳўш, бу муҳим ҳужжатнинг бош мазмунини нималардан иборат эди? — 687-резолуцияда ўт очишни тўхтатиш шартлари белгиланди; — Ироқдан Қувайт чегараларининг ҳақиқийлигини тан олиш талаб қилинди; — БМТ Ироққа ўз кузатувчиларини жўнатадиган бўлди; — Келтирилган ҳарбий зарарни қоплаш мақсадида Ироқ констрибуция тўлайдиган бўлди; — Ҳарбий ва бошқа асирларни ҳеч қандай шартларсиз қайтариб бериш талаб этилди. Ироқдаги мавжуд оммавий қирғин қуролларини

## ФОРС КЎРФАЗИ: КЕЧА ВА

цияга мувофиқ қувайтликлар ва учинчи мамлакатлар фуқароларининг ўз ватанларига қайтишларини осонлаштириш учун Ироқ Халқаро Қизил Ҳоч кўми-сиси билан ҳамкорлик қилишга қаҳирилди. Ораддан ўтган қарийб ўн икки йиллик давр шуни кўрсатмоқдаки, халқаро ҳамжихатлик ва дунёдаги қўлгина давлатлар, шу жумладан, Хавфсизлик

# ЎЗ АЙТАР СЎЗИНГ БЎЛСИН!

**Мустақиллик юртимизда фаолият кўрсатаётган турли нодавлат ташкилотлар, жумладан, энг оммавий жамоат ташкилоти бўлган касаба уюшмалари тизими ва тузилмасида ҳам сезиларли ўзгаришларни юзага келтирди. Шу хусусда Жиззах вилоят касаба уюшмалари Кенгашининг раиси Қудратилла РАФИҚОВ билан суҳбатлашдик.**

— Республикаимиз мустақиллик эришганидан сўнг жамиятнинг сиёсий тузилмалари ва тизимида жиддий ўзгаришлар содир бўлди, — деди суҳбатдошимиз. — Хусусан, мамлакатимизда демократик жараёнлар шарафати ила кўппартиявийлик вужудга келди, жамоат бирлашмалари ва ташкилотлари ўз муносабатларини давлат билан ижтимоий шерикчилик негизи асосида қурмоқдалар.

Ўз сафларида миллион-миллион аъзони бирлаштирган касаба уюшмалари ҳам янги шауроит талабларидан келиб чиқиб, асосий эътиборни меҳнатқашларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоя қилишни янада кучайтиришга қаратмоқдалар.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг III-курултойида қабул қилинган янги таҳрирдаги Низом ҳамда касаба уюшмаларининг фуқаролик жамиятини шакллантириш шариоитидаги Ҳаракат дастуридан келиб чиққан ҳолда вилоят кенгаши ўз фаолиятини давлат ва ҳокимияти идоралари билан ижтимоий шерикчилик асосида ташкил этиб келмоқда. Шу йиллар ичида касаба уюшмалари сон жиҳатдан ҳам, сифат жиҳатдан ҳам ўзгарди. Агарда 2001 йилда Жиззах вилоят кенгаши ўз сафларида 235 минг кишини бирлаштирган бўлса, жорий йилнинг биринчи ярмига келиб уларнинг сони яна икки мингга ошди.

**— Баъзи кишлоқ хўжалиги, саноат корхоналарида ишчилар ўз маошларини вақтида ололмаётган ҳоллар учраб турибди... Бу масалага вилоят касаба уюшмаларининг муносабати қандай бўляпти?**

— Халқ хўжалигининг барча соҳаларида бозор иқтисодига ўтиш асосий мезонга айланди.

Ушбу жараён, табиийки, ўзига хос қийинчиликларни ҳам келтириб чиқармоқда. Жумладан, айрим кишлоқ хўжалик ва саноат корхоналари инқирозга учради, синди, ёпилди. Ишсизлик ва ойлик маошлар ўз вақтида берилмаслиги каби муаммолар юзага келди.

Бундай ҳолларда касаба уюшмалари вилоят кенгаши ўз сўзини айтиб бериш учун қўлдан келиши лозим бўлган айрим касаба уюшмалари нима учундир «кузатувчилик позицияси»ни эгаллашди.

### Ислоҳот инсон учун

— **Ижтимоий муҳофаза корхона ёки ташкилот касаба уюшма кўмитаси фаолиятининг негизидир...**

Маълумки, меҳнатқашларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялашнинг кафолатловчи энг асосий ҳужжат, бу икки томонлама тузилган битимдир. Битим қанчалик тўла, пухта бўлса, натижаси ҳам шунга яраша бўлади. Ана шуларни назарда тутиб касаба уюшмалари Жиззах вилоят кенгаши вилоят ҳокимлиги билан икки томонлама битим тўзди. Ушбу битим жамоа шартномалари учун йўлланма ролини ўйнади. Битимда, жойларда касаба уюшмаси ташкилоти билан корхоналар мазмуриятлари ўртасида тузилган жамоа шартномаларида бозор иқтисодиёти шариоити ҳисобга олиниб, меҳнатқашлар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилишни янада яхшилаш мақсадида қўшимча тақлифлар киритилди. Шу муносабат билан ижтимоий муҳофазалаш, техника хавфсизлиги оғир иш шариоитларида ишловчиларга имтиёزلар бериш юзасидан талайгина ишлар амалга оширилди. Бу борада Дўстлик туманидаги «Дўстликдон» ҳиссадорлик жамияти, Зафаробод пахта тозалаш корхонаси, вилоят электр тармоқлари шўба корхонаси, «Карбонат» ҳиссадорлик жамияти, «Жиззахгаз» таъминот шўба корхонасининг касаба уюшма

қўмиталари бир қанча ибратли ишларни амалга оширишга қўшни бўлди.

Корхона ва ташкилотлар, ширкатлар, кичик корхоналар фаолияти ўрганилганда биринчи эътибор инсон ҳаёти ва соғлиғига хавф солаётган дастгоҳлар, техника ва механизмларга қаратилди. Амалга оширилган ишлар натижасида ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар, жароҳатланиш ўтган йилга қараганда 22 фоизга камайди.

Иш жараёнида жароҳат олиб, ногирон бўлиб қолганларга, қонун бўйича тўлов ва нафақалар белгиламоқда.

— **Ижтимоий муҳофаза корхона ёки ташкилот касаба уюшма кўмитаси фаолиятининг негизидир...**

Маълумки, меҳнатқашларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялашнинг кафолатловчи энг асосий ҳужжат, бу икки томонлама тузилган битимдир. Битим қанчалик тўла, пухта бўлса, натижаси ҳам шунга яраша бўлади. Ана шуларни назарда тутиб касаба уюшмалари Жиззах вилоят кенгаши вилоят ҳокимлиги билан икки томонлама битим тўзди. Ушбу битим жамоа шартномалари учун йўлланма ролини ўйнади. Битимда, жойларда касаба уюшмаси ташкилоти билан корхоналар мазмуриятлари ўртасида тузилган жамоа шартномаларида бозор иқтисодиёти шариоити ҳисобга олиниб, меҳнатқашлар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилишни янада яхшилаш мақсадида қўшимча тақлифлар киритилди. Шу муносабат билан ижтимоий муҳофазалаш, техника хавфсизлиги оғир иш шариоитларида ишловчиларга имтиёزلар бериш юзасидан талайгина ишлар амалга оширилди. Бу борада Дўстлик туманидаги «Дўстликдон» ҳиссадорлик жамияти, Зафаробод пахта тозалаш корхонаси, вилоят электр тармоқлари шўба корхонаси, «Карбонат» ҳиссадорлик жамияти, «Жиззахгаз» таъминот шўба корхонасининг касаба уюшма

Вилоятда жисмоний тарбия ва спортнинг моддий-техника негизини яратишга жиддий эътибор берилмоқда. Шу ўринда Жиззах шаҳрида касаба уюшмаларининг бевосита фаол иштироки билан куриб битказилган улкан спорт мажмуини мисол қилиб келтириш лозим. Республикаимизда ягона ёпиқ сув ҳавзаси, теннис кортига эга бўлган, Германиядан келтирилган асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ушбу спорт иншооти шаҳар кўрғида кўрк кўшиб турибди. Унинг қошида Республика касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг ёрдамида иккита болалар спорт мактаби ташкил этилди. Жиззах шаҳрининг қоқ марказида барпо этилган, лойиҳа смета қиймати салкам 2 миллиард сўм бўлган, мамлакатимизда ягона ҳисобланган «Олимпия заҳиралари коллежи» ҳам спортга республикамизда нечоглик катта эътибор берилётганининг исботидир.

Халқаро тоифадаги спорт устаси, жаҳон кубоги соҳибини, XIII Осиё ўйинлари совриндори боксчи Лазизбек Зокиров, эркин кураш бўйича Марказий Осиё ўйинлари чемпиони Жаҳонгир Муродов, Осиё чемпионатининг кумуш медали соҳибини Отабек Пардакулов, АҚШда ўтказилган оқик чемпионати фойлиби Зоир Азимов, Испанияда болалар ўртасида шохмот бўйича ўтказилган жаҳон чемпионати совриндори Юлдуз Ҳамроқуллова ҳамда Гулнара Эргашева, Нарғиза Азимова каби спорт усталари бизнинг фахримиз. Эркин курашчи Артур Таймазовнинг Сиднейдаги XX Олимпиадада ўйинларидан кадрдон Жиззахга бронза медали билан қайтиши барчани қувонтирганлиги табиий.

Бу ютуқларга биз, энг аввало, мушқиллик шариоити тўғрисида эришдик. Истиклол бизга ўзимизни танитди, жаҳон ҳамжамияти сари юз тугишимизга сабабчи бўлди.

Сухбатдош:  
**Ш. ЁҚУБОВ.**

## Саволларингизга ТДЮИнинг хўжалик ва меҳнат ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси Гулноза САТТОВА жаъоб беради

**САВОЛ:** Чернобил АЭСдаги ҳалокат оқибатида жабр кўрган шахслар қандай солиқлардан озод этилади?

**Абдулхамид БОБОНАЗАРОВ, Нарпай тумани.**

**ЖАВОБ:** амалдаги Солиқ Кодексида кўра Чернобил ҳалокати оқибатларини тугатишда иштирок этган шахслар қуйидаги солиқлардан қисман ёки тўлиқ озод этилади:

1. Жисмоний шахсларнинг даромадига солиналган солиқдан қисман, ҳар бир тўлиқ ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баробари миқдорда (яъни 4 535 сўм x 4 = 18 140 сўм гача бўлган даромадга солиқ солинмайди).
2. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солиналган солиқдан тўлиқ миқдорда.
3. Ер солиқдан тўлиқ миқдорда.

Ушбу имтиёزلар фақат Чернобил ҳалокатида жабр кўрган шахсларга нисбатан амал қилади ва уларнинг оила аъзоларига таътиб этилмайди.

**САВОЛ:** кичик бизнес билан шуғулланётган пенсионерлардан даромад солиғи олишда бирор имтиёз борми?

**Х.НОРҚОБИЛОВ, Бекобод тумани.**

**ЖАВОБ:** амалдаги Солиқ Кодексининг 58-моддасида жисмоний шахсларнинг солиқ солинмайдиган даромадларининг рўйхати келтирилган. Ушбу моддада кўра жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятдан келадиган ялғи даромади солиқ солинади.

## БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

майдиган даромадлар қаторига кирмайди. Лекин шу билан бирга шахсларнинг шахсий ёрдамчи хўжалик етиштирган қорамол, қўён, нутрия, балиқ, паррандаларни ҳам тирик ҳолатда, ҳам уларни сўйиб махсулотларни ҳам ва қайта ишланган ҳолда, шунингдек, асаларичилик махсулотларини ва бундай хўжаликда етиштирилган табиий ёки қайта ишланган деҳқончилик махсулотларини сотишдан олган даромадлар миқдорига солиқ солинмайди.

Фуқаро ва шахсий ёрдамчи хўжалик мавжудлиги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маълумотномаси билан таътиб этилади.


**САВОЛ:** кўзнинг кўриш даражаси қанча миқдорда пайсалга ногиронлик пенсиясига чиқиш мумкин?

**М.АМИНОВ, Кизирқ тумани.**

**ЖАВОБ:** 1993 йил 3-сентябрда қабул қилинган, ҳозирги кунда амалда бўлган «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 16-моддасининг 2-қисмига мувофиқ, ногиронлик сабаблари ва гуруҳлари, шунингдек, ногиронлик бошланг вақт ва ногиронликнинг қанча муддатга белгиланиши таътиб меҳнат-эксперт комиссиялари (ТМЭК) томонидан аниқланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 - йил 23-июндаги 317-сон қарори билан тасдиқланган «Тиббий меҳнат-эксперт комиссиялари тўғрисида»ги Низомнинг 38-бандида белгиланган, тиббий-меҳнат-эксперт комиссияларида фуқароларни тиббий текширишдан ўтказиш яшаб жойидаги ёки бириктирилган, давлолаш-касаликнинг олдини олиш муассасасида мазкур ТМЭКга бириктирилган тегишли давлолаш муассасасининг йўлланмасига биноан ўтказилди.

ТМЭКлар тиббий текширишга 16 ва андан катта ёшдаги фуқароларни, уларда паспорт ёки уларнинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат, давлолаш муассасасининг (поликлиниканинг) йўлланмаси (88у-шақл), касаллик тарихидан кўчирма, меҳнат туси ва шариоитлари ҳақидаги маълумотнома бўлган тақдирда қабул қиладилар.



## ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР

Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги «Паркент» ОАЖ худудида жойлашган солиқ таянч пункти ходимлари аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориш, савдо тармоқларига сифатсиз моллар кириб келишининг олдини олиш, солиқларнинг ўз вақтида тўлашини таъминлаш юзасидан ибратли ишларни амалга оширишмоқда.

**Суратларда: таянч пункти гуруҳ раҳбари Шавкат Маҳқамов тадбиркор билан ўзаро мулоқотда; ходимлар Темур Хайриддинов ва Ҳамид Ёқубжоновлар ноқонуний тарзда олиб келинган молларни расмийлаштиришмоқда.**

**Ф.ХИДИРОВ олган суратлар.**



ратли қуролларни аниқлади ва йўқ қилди. Бироқ 1998 йилдан бошлаб Ироқдаги мавжуд тузум билан

чи давлатлар, нуфузли ҳалқаро ташкилотлар билан алоқалари бугун ҳам ёмонлашиб бораётганлиги

биноан ҳар уч ойда Ироққа 1 миллиард АҚШ долларига тенг миқдорда нефтни импорт қилишга рухсат этилганди. Орадан бир йил ўтгач (1996) БМТ билан Ироқ ўртасида «Нефтьга озиқ-овқат алмашиш» шартномаси тузилди. 1998 йил февралда БМТ Хавфсизлик Кенгаши Ироққа ярим йил мобайнида 5,2 миллиард долларга тенг миқдорда нефть сотишга имконият яратиб берди. Бироқ ўша йилдан бошлаб халқаро текширув гуруҳининг Ироққа киритилмаганлиги умумий вазиятни оғирлаштириб қўйди.

Бугунги кун воқеалари ўзининг мураккаблиги, кескинлиги, жабрий-сиёсий нуқтани назардан жуда ҳатарли эканлиги билан Форс кўрфазида 1990-1991 йилларда юзага келиб қолган ҳолатларни эслашмоқда. Масаланин яна бир мураккаб томони бор. Расмий маълумотларда таъкидланганича, Ироқ худудида бир неча террорчи гуруҳларнинг уяси бор экан. Яқинда фаластинликларнинг ФАТХ экстремистик ташкилоти сўл қанотининг етакчиларидан бири, юзлаб террорчилик ҳуружларининг ташкилотчиси Абу Нидал Бағдода ўз жонига қасд қилди. Демак, унинг вайронкор, бузғунчи, жангариларга етакловчи госяига эргашаётган «сафдошлари» нафақат Ироқда, балки, Форс кўрфази ва Яқин Шарқ мамлакатларида паноҳ топан дегийш мумкин.

«Немис тўлкини» радио станциясининг кейинги кундаги эшиттиришлари

дан бирида Ироқда жойлашиб олган террорчи ва экстремист тўдалар Яқин Шарқда ўзини ўзи портлатаётганлар (Камикадзэ) оиласи учун 25 минг АҚШ долларига ваъда қилинганлиги айтилди.

Демак, бу мисоллар Яқин Шарқ воқеалари, Форс кўрфазидаги умумий сиёсий ва иқтисодий вазиятларга боғлиқ эканлиги кўриниб турибди. Халқаро терроризм балоси бугун минтақамизга, Яқин Шарққа қанчалик хавф-хатар келтирётган бўлса, худди шундай ҳаётли Форс кўрфазида ҳам тааллуқлидир.

Демак, терроризм ва бирон бир давлатнинг оммавий қирғин қурола-

### Шарҳловчи минбари

рени яратиш учун ҳаракат қилиши нафақат ўша мамлакат халқининг тақдирига, балки, дунё тинчлик-хотиржамлигига салбий таъсир ўтказди.

Шу боис Ўзбекистон мустақилликнинг илк йиллариданқоқ Марказий Осиёни ядро қуролидан холи худудга айлантириш йўлида изчил сиёсат юритиб келмоқда. Давлатимиз раҳбари Исом Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида ушбу ташаббусни илгартирган эди. Бундан роппа-роса беш йил аввал (1997 йил 15-16 сентябр) Тошкентда «Марказий Осиё - ядро қуролидан холи зона» мавзюда халқаро конференция бўлиб ўтди. Ўзбекистон

Президентининг БМТ Бош қотибининг қурол-сиёсатини масалалари бўйича ўринбосари Жаъна Дҳанапала билан учрашувидан ҳам (2002 йил 21 август, Тошкент-Оқсарой) ядролик зона яратиш госяи кўллаб-қувватланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакики, мамлакатимиз илгартирган таътиб шавбуслар, аввало, минтақамиз, қолаверса, умумжаҳон тинчлиги, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва энг муҳими, миллатлараро тотувлик учун бе-ниҳоя аҳамиятлидир.

**Қобилбек КАРИМБЕКОВ, сиёсий шарҳловчи.**

## БУГУН

халқаро назорат гуруҳи ўртасида келишмовчилик пайдо бўлган, текширув ишлари ниҳонга етказилмади.

Эндиликда бу мамлакатда қайта қуролланишга интилиш ҳолатларининг кузатилаётганлиги, аввало, БМТни, шунингдек, АҚШ, Буюк Британия каби давлатларни жуда ташвишландирмоқда.

Бағдод тузумининг етак-

«Нефть эвазига озиқ-овқат» дастурига салбий таъсир қўришга бошлади. Бу тинч аҳолининг қисмати билан боғлиқ ниҳоятда ҳаётий зарур дастур эди. Чунки 1995 йилги 986-резолюцияга биноан Хавфсизлик Кенгаши БМТ аъзолари бўлган мамлакатларга Ироқ халқининг инсонпарварлик эҳтиёжлари учун заҳиралар яратишга имкон берган эди. Унга

**ЁШ КўНГИЛЛИЛАР ОРОМГОҲИ**

Ўзбекистон Қизил Яримой жамияти Миллий кенгаши томонидан Тошкент вилоятининг Солиқ қишлоғида «Семург-2002» халқаро оромгоҳи ташкил этилди.

Жамият матбуот хизмати хабар беришича, бундай оромгоҳ учинчи бор уюштирилмоқда. У мамлакатимизнинг турли худудларидан ёшлар марказлари кўнгилиларини ҳамда Швеция, Швейцария, Финляндия болаларини тўплайди. Оромгоҳнинг асосий вазифаси кўнгилиларни ўқитиш, таъриба алмашишдир.

Ўзбекистон Қизил Яримой жамияти ёшлар марказлари болалари қариялар, ёлғиз одамларга ёрдам кўрсатади. Бу хайри ишда улар тўплаган таъриба хориқлик тенгдошларидан катта қизиқиш уйғотди.

Оромгоҳ дастури турли таърибларга бой. Улар орасида Қизил Яримой жамиятининг Оралбўйи аҳолисига муруват ёрдами дастури тақдими, турли спорт ўйинлари, маданлий-маърифий таъриблар, «Террорчилик - дунёга хавф», «Соғлом тузум тарзи ва гийҳандлик, ОИТСга қарши кураш», «Табиатни муҳофаза қилиш» мавзуларидаги семинарлар ўрин олган.

(УА).

Sport \* Sport \* Sport \* Sport \* Sport \* Sport \* Sport \* Sport \* Sport \* Sport \* Sport \* Sport \* Sport \* Sport \* Sport \* Sport

«Юнусов» теннис мажмуасида бир ҳафта давом этган ва қўлбастилар мутахассисларнинг эътиборини ўзига қаратган анъанавий «Президент кубоги» баҳслари низоҳига етди. 550 минг АКШ доллари миқдоридagi мукофотлар ўз соҳибларига топширилди.

Айтиш жоизки, бу йилги турнир ўзига хос бўлган жиҳатлари билан эсда қоларли бўлди. Унда мусобақаларнинг доимий иштирокчиси, Россиянинг иккинчи рақамли ракеткачиси Е.Кафельников муваффақиятли қатнашиб, узоқ вақтдан бери эришолмай келаятган энг катта ютуқларидан бирини қўлга киритди. Дарҳақиқат, Кафельников мусобақаларда кўпбала маҳоратли теннис усталари билан беллашиб, ўзига хос ажойиб ўйин намойиш этди. Жумладан, чорак финалда хорватиялик И.Любичич билан учрашиб, (6:3, 6:2) тўла устунликка эришди. Ярим финалда эса Таиланд вакили П.Шричапанга қарши кортга чиқди. Шид-


# ОРЗУ УШАЛДИ

## Кафельников — турнир голиби

датли ва қизикарли кечган баҳсда Кафельниковнинг кўли балан келди. У икки сет бўйича (6:2, 6:4) ютуққа эришиб, финалга йўланма олди. Иккинчи финалчи белоруслик В.Волчков ҳам ушбу турнирда муваффақиятли қатнашди. Саралаш босқичидан эсон-омон ўтиб, барча рақибларини мағлубиятга учратган В.Волчков юксак маҳоратли спортчи эканини кўрсатди. У чорак финалда Германиялик таниқли юлдуз Т.Хаас билан баҳс олиб борди. Рақибининг

жароҳат олганлиги туфайли осон ғалаба қозongan Волчков ярим финалда Д.Сангунетти (Италия) билан «орани очик» қилиши учун астойдил ўйнашга мажбур бўлди. Ва бунинг

хоратини ишга солиб, хатто рақибдан ўзиб кетди ҳам. Рақиблар голиблик учун ўта муросасиз жанглари олиб борди. Ниҳоят, тай-брекда кўпроқ очкога эга бўлган



борилди. Мамлакатимиз теннисчилари, афсуски, жуда бўш иштирок этишди. Лекин кўнгилга таскин берадиган жиҳати шуки, юртимизда бу спорт тури оммавийлашиб бормоқда. Эндигина ракетка ушлашни ўрганган ёш болакайлардан Марат Сафин ёки Кафельниковдай иқтидор эгалари чиқса, не ажаб! Катта муваффақиятлар билан ўтказилаётган «Президент кубоги» халқаро турнири бу борада муҳим аҳамиятга эга. **О.ЭРГАШЕВ, «Ишонч» мухбири.**

Тадбир

# РАФБАТ ЯНГИ ЗАФАРЛАРГА УНДАЙДИ

Ташкент туманида пойтахт вилояти касабаси уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти ташаббуси билан соҳа вакиллари ҳамда мурабийларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда жаҳон, қитъа ва мамлакат биринчиликларида муваффақиятли иштирок этган, халқаро турнирларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган касабаси уюшма спортчилари ҳамда уларнинг мурабийлари қатнашди. Тадбир ташаббускорлари уларни қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирлар эканлар,



яг ахли халқаро тоифадаги спорт усталари Шахноза Шухратжоновна, Алефтина Ким, Эгамназар Акбаров,



Мурод Қалиқулов, Наргиза Умирова, спорт устаси Исроил Матбоев, усталикка номзодлар Алишер Мамбеков, Луиза Бектемирова,

Музаффар Зоитов, Руслан Алланов, Владимир Ким, Рустам Умаров, Вячеслав Тен ҳамда биринчи разряд соҳибаси Дилноза Орзимова сингари маҳоратли спортчилар билан ҳақиқ равишда фахрланишди. Бинобарин, вилоят касабаси уюшмалари тасаруфидаги спорт мактабларида Аком Шердонаев, Инна Хегай, Борис Писаревский, Ли Ким, Георгий Тен сингари тажрибали мурабийлардан сабоқ олаётган, тобора маҳоратини ошириб бораётган бу спортчиларнинг келгусида халқаро кураш майдонларида янги-янги чўққиларни забт этишларига шубҳа йўқ. **О. КАМОЛОВ. И. ХАСАНОВ олган суратлар.**

Избоскан туманида спорт жонқуяруларидан бири Ташкентбой Собиров хотирасига бағишланган вилоят турнири бўлиб ўтди. Беллашувда кўзга кўринган шохмот-шашкачилар иштирок этди. Туман таълим ва фарҳомдлари касабаси уюшма кўмитаси, халқ таълими бўлими ҳамда «Нуроний» жамғармаси ташаббуси билан Қарияларни кадрлаш йилига бағишлаб ўтказилган мусобақа барчада илиқ таассурот қол-

# ШОҲМОТ БАЙРАМИ

дирди. Маданият ва истироҳат боғи спорт ишқибозлари билан кун буйи гавжум бўлди. Мазмундор юришлари билан ишқибозлар олқишини олган пахта-

ободлик Иброхимжон Қаринов барча рақибдан устун келиб, эркаклар ўртасида вилоят биринчилигини қўлга киритди. Яна бир спорт билмидони избосканлик Масоли Тешабоев иккинчи

# Қишлоқ спорти

ўрин совриндори бўлди. 80 ёшли спорт усталигига номзод Боқижон Ҳожиматов ҳам

бефарқ қолдирмади. Қизғин кечган баҳс избосканлик Жамилахон Усарованин ғалабаси билан якун топди. Иккинчи ва учинчи ўринларни пахтаободлик Дилфуза Ҳасанова, Мавлуда Маҳкамвалар бўлишиб олдилар. Голиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. **С. РҶЗИМАТОВ, «Ишонч» мухбири.**

# ЧЕМПИОНАТ ЯҚУНЛАРИГА БАҒИШЛАДИ

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон кураш миллий федерацияси Арманистон пойтахти Ереван шаҳрида бўлган кураш бўйича IV жаҳон чемпионати якунларига бағишланган матбуот анжумани ўтказди. Мамлакатимиз тармоқида чемпионатда муваффақиятли иштирок этди, деди федерация бош котиби А.Тўйчибоев. Чунки полвонларимиз ушбу жаҳон биринчилигига пухта тайёргарлик кўрган эди. Курашчиларимиздан И.Аҳмедов олтин, Р.Сайдов ва Д.Чориев кумуш медаллари қўлга киритди. Олдинда эса янада нуфузли халқаро мусобақалар турлибди. Хозир спортчиларимиз декабрь ойда Хиндистонда бўлиб ўтадиган Осиё чемпионати тайёргарлик кўрмоқда. Анжуманда мамлакатимизда курашни янада омаллаштириш, иқтидорли ўғил-қизларни кенгроқ жалб этиш, муносиб ўринбосарлар тайёрлаш ишларини қучайтириш, бу борада оммавий ахборот воситаларининг ўрни хусусида фикр-мулоҳаза билдирildi. **(УЗА).**

# Футбол

Яна саккиз турдан сўнг 2002 йил футбол мавсумига ҳам якун ясалди. Бу кўпми ёки кам? Ушбу саволга жавоб беришдан олдин беихтиёр турнир жадалига кўз ташлаймиш. Пешақадимлар сафида бора-боратан баланд бўлаётган боғидаги рақибларнинг фикири бир жойдан чиқмаслиги табиий. Зеро, «Пахтакор», «Нефтчи», «Қизилкум», «Насаф» жамоалари медаллар тақсими ҳақида бош қотиришса, «Зарафшон», «Қўқон-1912» ва «Машьял» командалари бутунлай ўзга ташвиш билан яшаётirlар.

# ШАШТИ БАЛАНД

**Жамоагагина омад қилиб боқад**  
Аслида футбол шуниси билан ҳам қизикарлидир. Кези келганда иккинчи даврани «Нефтчи» кўтаринки кайфиятда ўтказаетганини таъкидлаш лозим. Жамоа кетма-кет ғалабаларга эришиб аввал «Насаф»дан, сўнг «Қизилкум»дан ўзиб кетганлиги ҳам мушоҳадаларимизни тасдиқлайди. Бунга эндилдикда нафақат фарғоналик, балки муборақлик мухлислар ҳам бевосита гувоҳлик қилишлари мумкин. «Машьял» ўз майдонига Ю.Саркисян шоғирларига 0:5 ҳисобда ютқазиб, янама қийин аҳволга тушиб қолган бўлса, бу муваффақият «Нефтчи»га бундан буён хатто олтин медал учун курашиш имкониятини беради.

Шундай илиқ гапларни «Бухоро» жамоасига нисбатан ҳам айтса бўлади. Ҳар ҳолда «Насаф» билан кечган ўйинда Усмон Тошев шоғирлариди ҳаракат уйғунлигига эришилган тақдирдагина мураббий режарларини амалга ошириш мумкинлигини исботладилар. Учрашув давомидида 1:2 ҳисобида ортда қола туриб, шашти баландлик туфайли ўйиннинг 3:2 ҳисобида ўз фойдаларига ҳал қилганликлари жамоа турнир жадалига бежизга юқори поғоналардан бирини эгаллаб турмаганлигини яна бир қарра намойиш этди.

Мутахассислар Наманганда маҳаллий «Навбахор» ҳамда «Қизилкум» ўртасидаги баҳс ҳақиқий дуэрга айланганини кутган эдилар. Афсуски, бундай бўлмади. Зарафшонликлар жуда бўш ўйнаб, навбатдаги мағлубият аламини татиб кўрдилар. Ушбу учрашувда майдон эгалари тўла устунликка эришдилар. Ҳисоб — 4:0!

Қолган ўйинларда қуйдаги натижалар қайд этилди: «Трактор»-«Сурхон» — 1:0, «Андижон»-«Металлург» — 2:1, «Самарқанд-Д»-«Дўстлик» — 1:0, «Пахтакор»-«Зарафшон» — 4:2, «Сўғдийна»-«Қўқон-1912» — 1:0.

# 22-турдан кейинги вазият

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Пахтакор»	21	19	1	1	71-11	58
2. «Нефтчи»	22	16	2	4	56-22	50
3. «Қизилкум»	22	15	2	5	47-24	47
4. «Насаф»	22	14	2	6	47-26	44
5. «Металлург»	22	11	5	6	33-27	38
6. «Бухоро»	22	12	2	8	34-42	38
7. «Навбахор»	22	10	3	9	40-29	33
8. «Дўстлик»	22	9	1	12	26-32	28
9. «Андижон»	22	8	3	11	29-40	27
10. «Самарқанд-Д»	22	7	3	12	19-35	24
11. «Сурхон»	22	7	2	13	27-36	23
12. «Сўғдийна»	22	6	4	12	23-38	22
13. «Трактор»	22	6	4	12	22-42	22
14. «Зарафшон»	22	5	2	15	23-41	17
15. «Қўқон-1912»	22	5	2	15	20-49	17
16. «Машьял»	21	4	4	13	21-45	16

# Азамат Абдураимов: «ЯШИЛ МАЙДОННИ ҚЎМСАБ ЯШАЙМАН!»

**Бизнинг маълумот:**  
Тузилган йили — 1966 йил 27 апрел.  
Маълумоти — Олий. ТошДУ журналистика факультетини битирган.  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устаси. «Шухрат» медал соҳиб.  
Оливарий аҳволи — Уйланган, бир ўғил ва кизнинг отаси.  
Севимли футболчиси: — Пеле ва Давид Кипиани.  
Севимли киноактёри — Олег Янковский, Руслам Саъдуллаев.  
Ўқитган хонандаси — Эльтон Жон, Севара Назарзон.  
Севимли театри — «Илком».  
Уйнаган жамоалари: — ЭШВС (Москва - 1982-83 йил), «Пахтакор» (1988-89 йил) - (1996-2000 йил) - Спартак (Москва - 1990) «Мохамедон» (Бангладеш - 1992 йил), Помир (Душанбе - 1990-91) «Навбахор» (Наманган - 1992-93), «Паханг» (Малайзия - 1994 йил), «Ал-Ваҳда» (Саудия Арабистони -1995-96 йил), «Дўстлик» -

(Тошкент вилояти - 2001 йил) «НБУ-Осиё» (Тошкент - 2002 йил)  
Эришган ютуқлари:  
«Навбахор» таркибида Ўзбекистон кубоги соҳиб - (1992 йил), XII-Осиё ўйинлари голиби - (1994 йил), «Ал-Ваҳда» таркибида С.Арабистони чемпиони (1995-96 йил), «Пахтакор» таркибида Ўзбекистон чемпиони (1998 йил),  
Жами киритган тўплари: 230 дан ошдиқ. «Чемпион сирлари» фильмида суратга тушган.  
Тарихий сана. 1994 йил 16 октябр, Хиросима (Япония). XII Осиё ўйинлари финали. Ўзбекистон - Хитой - 4:2. (Шквирын, Лебедев, Абдураимов, Максудов).  
Орадан қарийб саккиз йил ўтгач, яъни 18 сентябр кун «Пахтакор» стадиониде минглаб мухлислар кўз ўнгида яна ўша чемпион жамоа саф тортади. Бу тантана-байрамнинг бош сабабчиси, Осиё ўйинлари голиби Азамат Абдураимов катта футбол билан хайрлашади... Шу муносабат билан таниқли футболчи билан сўхбатлашдик.

сиб қилса хайрлашув кесасида иштирок этадилар...  
— Футбол фаолиятингизда энг омадли йил ва у билан боғлиқ ширин хотиралар ҳақида сўзлаб берсангиз?  
— Шубҳасиз, мен учун 1994 йил омадлироқ бўлган. Баҳорда «Паханг» таркибида Малайзия кубоғининг финалида иштирок этдим. Сентябрьда Голландия жамоалари иштирокида бўлиб ўтган халқаро турнирда Ўзбекистон тармоқи жамоаси таркибида «Мустикалик кубоги»ни қўлга киритдик. Октябрда Осиё ўйинлари голиблиги эса фаолиятимдаги энг ёрқин дамлардир. Хотираларга келсак, энг эсда қоладигани Сухумида ўсмирлар ўртасидаги турнирда иштирок этганим. Ушанда гуруҳимиздаги иттифоқ термаси билан биз Москва шаҳар ўсмирлари ўйнаган эдик. Шу учрашувда «девяткага» гол урдим. Уйиндан кейин Давид Кипиани олдимга келиб мени табриклади. Ушанда севинчдан ичимга сиймаганман. Шу воқеа ҳеч ёдимдан чиқмайди.  
Яна Саудия Арабистонида «Ал-Ваҳда» таркибида ўйнаб юрганимда, шу юртда яшайдиган ватандошлар билан учрашувларни ҳамон интиқиш билан эс-

— Азамат, Келин, сўхбатимизни беғубор болалигингиздан бошласак. Болалигингиз қайси шаҳарда кечган?  
— Мен уч ёшга тўлганимда дадамни Москвага олиб кетдик. Шу сабаб оиламиз Москвага кўчиб ўтган. Болалар босқичидан то мактабни битиргунча шу шаҳарда яшаганмиз.  
— Қандай баҳоларга ўқингансиз?  
— Ўқувчилик йилларида адабиёт фани менинг жону дилим эди. Шу сабабми, адабиёт фанини чуқур ўрганганман. Ҳат-

то шу фан бўйича Москва шаҳар мактаб олимпиада-сида 2 марта голиб чиққанман. Менинг бу ютуқларимда онамнинг хизматлари катта бўлган.  
— Азамат, отангиз ҳақида матбуотда жуда кўп ёзилган. Айниқса, спорт газеталарида... Мавриди келиб қолди, онангиз ҳақида ҳам гапириб беринг?  
— Ҳа, тўғри айтдингиз, отам ҳақида кўп ёзилади. Онам Раънохон Холматова ўта зиёли, доно аёл. Ўз вақтида журналистика билан шуғулланганлар. Бу соҳага қизиқиш менга онамдан ўтган бўлса ажаб эмас. Онамнинг оталари Холматжон Қурбонов ҳам кучли журналист бўлган эканлар.  
Гарчанд онам Ўзбекистонда отам сингари таниқли бўлмаса-да, мен улар билан фахрланаман. На-

лайман. Ўша йиллар мен Саудия жамоасида ilk бора тўп сурган ягона ўзбек эдим. Улар мени «зиграт» қилгани келишар эди. Мен шундай муқаддас юртда, Макка шаҳри жамоасида ўйнаганимдан жуда бахтиёрман.  
**Сўхбатдош: Абдулҳам ЮНУСОВ.**  
(Давоми бор)

**ISHONCH** Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ  
Муассис: Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси  
Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.  
Телефонлар: Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.  
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.  
Босишга топшириш вақти - 21.00  
Топширди - 22.30  
Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр қўрсаткичи: 133; 134  
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерда терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.  
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.  
Буюртма Г— 819. 1 2 3 4 5 6